



## PROSPECTS FOR IMPROVING ESG PRINCIPLES IN THE ACTIVITIES OF NMMC

**Khudoyberdieva Dilafruz Bakhtiyorovna**

Economist in the Statistics and Management Reporting Department at  
“NMMC” JSC

**Ergashov Botirjon Ergashovich**

Head of the Statistics and Management Reporting Department at  
“NMMC” JSC

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14044724>

### ARTICLE INFO

Received: 31<sup>th</sup> October 2024

Accepted: 05<sup>th</sup> November 2024

Online: 06<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

Green economy, green construction, environment, economic balance, international experience, transformation, ESG, ESG principles, NMMC (Navoi Mining and Metallurgy Combine), greenhouse gases, water resources, energy efficiency, biodiversity.

### ABSTRACT

*This article analyzes the risks threatening the world's population amid current globalization processes, the role and importance of the green economy at a time when production processes are rapidly developing, the application of the green economy in the broader economy, the implementation of ESG principles to promote the development and efficient use of the green economy based on international experience, and the measures being implemented to widely introduce ESG principles into the activities of NMMC (Navoi Mining & Metallurgical Combine).*

## НМК ФАОЛИЯТИДА ESG ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

### ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Д.Б.Худойбердиева**

“НМК”АЖ Статистик ва бошқарув ҳисоботи бўлими иқтисодчиси

**Б.Э.Эргашов**

“НМК”АЖ Статистик ва бошқарув ҳисоботи бўлими бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14044724>

### ARTICLE INFO

Received: 31<sup>th</sup> October 2024

Accepted: 05<sup>th</sup> November 2024

Online: 06<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

Яшил иқтисодиёт, яшил қурилиш, атроф-муҳит, иқтисодий мувозанати, хориж тажрибаси, трансформация, ESG тушунчаси, ESG тамойиллари, НМК, иссиқхона газлари, сув ресурслари, электр энергия

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада бугунги глобаллашув жараёнларида дунё аҳолисига ҳавф колаётган хатарлар, ишлаб чиқариш жараёнлари тобора ривожлананаётган бир пайтда яшил иқтисодиётнинг ўрни ва аҳамияти, яшил иқтисодиёт соҳасининг иқтисодиётга тадбиқ этилиши, ҳалқаро тажрибада яшил иқтисодиётни ривожлантириш ва самарали фойдаланиш мақсадида ESG тамойилларининг жорий этилиши, НМК фаолиятида ESG тамойилларининг амалиётга кенг жорий қилиниши бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинади.*



самарадорлиги, биохилма-хиллик.

### Кириш.

Глобаллашув жараёни тобора ривожланиб бораётган бир пайтда атроф-муҳитга таъсири этаётган хавф-хатарлар бутун халқаро жамиятнинг эътиборини тортмоқда. Дунё аҳолисининг кўпайиши бевосита эҳтиёжларнинг, жумладан, сув, электр энергияси, табиий газ ва бошқаларга заруриятнинг ортиб боришини тақозо этади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришни, яъни иқтисодиёт соҳаларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарининг жадаллик билан ривожланиши натижасида биосферанинг ифлосланиши, атроф-муҳитга заҳарли моддалар ва чиқиндиларнинг чиқарилиши атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ҳамда инсоният ҳаётига жиддий таъсири қилмоқда. Бу кўп ҳолларда сайёрамизнинг экологик ва иқтисодий мувозанатининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу хатарларни камайтириш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш, атроф-муҳитни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида яшил иқтисодиёт тушунчаси кириб келди

Яшил иқтисодиёт инсон фаолиятининг атроф-муҳит ва табиатга бўлган салбий таъсирини камайтириш зарурати билан ифодаланадиган иқтисодий фаолият тури бўлиб, унинг мақсади чекланган табиий ресурслардан ортиқча фойдаланиш ва атроф-муҳитга салбий экологик таъсиrlар билан бирга келадиган иқтисодий ўсиш эмас балки, атроф-муҳит учун минимал хатар билан барқарор ривожланишини характерлайди.

Замонавий экологлар таъкидлаганидек, металлургия ва кимё заводлари, энергия ва иссиқлик станциялари, транспорт воситалари ва линияларнинг фаолияти экологик иқтисодий мувозанат бузилишига сабабчи бўлаётган соҳалардан ҳисобланади. Бугунги кунда бу соҳалар асосий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўналишлари сифатида эътироф этилаётган бир пайтда атроф-муҳитни яхшилаш ва Ер юзидағи экологик хатарларни камайтириш бўйича самарали чораларни қабул қилиш зарурати ҳам ортиб бормоқда.

“Яшил иқтисодиёт” энергия ва ресурсларни тежашга, атмосферага углерод чиқаришни камайтиришга, соғ энергиядан фойдаланувчи транспортга, энергиянинг муқобил манбаларига, органик қишлоқ хўжалигига, экоқурилишга (атроф-муҳитга кам таъсири қўрсатган ҳолда қурилишга), илғор логистикага асосланади. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг табиатга зиён етказмай ривожланиши ва аҳолининг экологик фаровонлигини сақлаш имконини беради, табиий капитални сақлаш ва ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, заҳарли моддалар ва углерод чиқарилишини камайтиради, биохилма-хилликни кенгайтиради, шунингдек аҳоли даромадлари ва бандлигини оширади.

Иқтисодиётнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш мақсадида ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим



омили ҳисобланади. Бугунги кунда олимлар, иқтисодчилар, экологлар ва табиатшунослар нафақат яшил иқтисодиёт концепциясига интилаётган айрим жамоат ташкилотлариға, балки барча тижорат-бизнес ташкилотлари ва ишлаб чиқарып объектларига ҳам таъсир қиласидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши кераклиги түғрисида бир хил фикрга келишмоқда.

Халқаро тажрибада яшил иқтисодиётни ривожлантириш ва самарали фойдаланиш мақсадида ESG тушунчаси пайдо бўлди.

**ESG (Environment, Social and Governance)** — бу компанияни бошқариш ёндашуви бўлиб, у компаниянинг экологик, ижтимоий ва бошқарув масалаларини ҳал қилишда иштирок этишини англатади. Бу тушунча биринчи бўлиб 2004 йилда БМТнинг "Who Cares Wins" ҳисоботида қўлланилди.

Ҳисоботдаги ушбу тушунча бизнес манбаатдорлариға — менежерларга, директорлариға, инвесторлариға, таҳлилчиларга катта таъсир қўрсатди ва улар ушбу ESG тамойилларни компаниянинг ривожланиш стратегиялариға киритиш ғоясини қўллаб қувватлашди. Бу ҳодисалар халқаро даражада ҳам шу масалаларга бўлган эътиборни кучайиши билан мос келди. ESG тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак.

**Environmental** (Экологик)-атроф-муҳитга ғамхўрлик қилиш. Ушбу туркумга иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг камайиши, турли хил ифлосланишлар, ўрмонларнинг кесилиши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши ва бошқалар киради.

**Social** (Ижтимоий)- ижтимоий масъулият. У меҳнат шароитлари, тенг имкониятлар, адолатли иш ҳақи, ходимларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги, жамоатчилик иштироки, хайрия ташаббуслари ва бошқаларни ўз ичига олади.

**Governance** (Бошқарув) - корпоратив бошқарув. Барқарорликнинг бу жиҳати инвесторлар учун айниқса муҳимдир. Бунга ахлоқ, кенгаш тузилиши, ҳисобот бериш, коррупцияга қарши чоралар, маълумотлар хавфсизлиги, солиққа тортиш ва бошқалар киради.

ESG тамойиллариға риоя қилиш ташкилотларга бир қатор имтиёзлар ва ижтимоий афзалликларни беради. Хусусан,

**Мижозларни жалб қилиш ва даромадни ошириш.** Сўнгги бир неча йил ичидаги истеъмолчилар ўзлари фойдаланадиган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларини танлашга кўпроқ эътибор қаратади. Истеъмолчилар тобора кўпроқ атроф-муҳит ҳақида қайғурладиган ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқадиган брендларни афзал кўришмоқда. Forbes журналининг маълумотлариға кўра, Z авлод вакиллари (1990-2010 йилларда туғилганлар)нинг 62 фоизи экологик тоза брендлардан харид қиласиди ва истеъмолчиларнинг 87 фоизи ўзларида мавжуд муаммони ҳал қиласидан ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини сотиб олишлари аниқланди.

**Давлат ва банкларнинг ёрдами.** Давлат ўз фаолиятида яшил технологиялар, қайта тикланадиган ресурслар ва кабилардан фойдаланадиган компанияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидиялар, грантлар ва солиқ имтиёзлари, шунингдек, шаффоф ESG ҳисоботини ҳисобга олган ҳолда пасайтирилган ставгадаги кредитлар тақдим этади.



**Инвесторнинг манфаати.** Кўпгина инвесторлар қарор қабул қилишда ESG омилларини ҳисобга олган, экологик муаммолар ва ижтимоий тенгсизлик масалаларини яхшилаш чораларини кўрадиган, кучли ESG кўрсаткичларига эга компанияларга инвестиция капиталини жалб қиласди.

Мамлакатаимизда Янги Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш ва барқарор иқтисодий ривожлантириш ва ислоҳ қилишда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш долзарб масалага айланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори билан Ўзбекистон яшил иқтисодиётга ўтиш мақсадлари белгиланди.

Шунингдек, иссиқхона газларини ЯИМга нисбатан аввалги йиллардаги даражага нисбатан 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш кувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушкини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоиздан кўпроғига етказиш, саноат соҳасида энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, сув тежовчи суфориш технологияларини жорий этиш, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоизга кенгайтириш кўрсаткичлари белгилаб олинди. Ушбу стратегик мақсадларга эришиш мақсадида “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида яшил иқтисодиётга ўтиш ва яшил ўсишли таъминлаш” дастури қабул килинди.

Мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхонаси ҳисобланган ва дунёдаги энг йирик олтин қазиб оловчи тўртталигига кирган “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида ҳам яшил иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Операцион фаолият жараёнида экологик хавфсизликни таъминлаш НКМКнинг асосий устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Комбинатнинг ишлаб чиқариш майдонлари жойлашган худудларида атроф-муҳит ҳолатини сақлаш ва яхшилашга қаратилган сув ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш, чиқиндилар ва чиқиндилар ҳосил бўлиши билан боғлиқ потенциал хавфларни камайтириш, шунингдек, биологик тизимлар хилма-хиллигини сақлаш каби бир қатор муҳим жиҳатларни ўз ичига олади.

Комбинат атроф-муҳитга таъсири учун ўз масъулиятини тан олади ва барқарор ривожланишга эришиш учун экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий муҳитни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва салбий экологик оқибатларни минималлаштириш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади.

Комбинатда корпоратив бошқарув тизимининг ажralmas қисми бўлган атроф-муҳитни бошқариш тизими (EMS) жорий этилган, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги устувор йўналишларни қўллаб-қувватлайди:

- атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқиндиларини камайтириш;
- тадбирларни амалга ошириш жараёнида экологик ҳодисалар ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларнинг ҳисобини юритиш;



- энергия истеъмоли таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш объектларида энергияни тежовчи ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобига солиштирма энергия сарфини камайтириш;
- яшил, экологик тоза, чиқиндисиз ва ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш;
- экологик тоза муҳит яратиш, бунда қўшни ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни инобатга олиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда корхона ходимларининг роли тўғрисида маҳорат ва хабардорликни ошириш.

НКМК ўз фаолиятида атроф-муҳит мониторинг қилиш дастури доирасида операцион фаолиятнинг таъсирини минималлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширади. Хусусан, комбинат доимий ўз саноат ҳудудларида ҳаво, сув, тупроқ намуналарини таҳлил қиласи ва уларнинг сифатини сақлаш бўйича қўйидаги амалий ишларни олиб боради:

**Сув ресурсларидан оқилона Фойдаланиш.** НКМКнинг барқарор ривожланиши соҳасидаги асосий стратегик йўналишлардан бири сув ресурсларини оқилона ва самарали бошқариш ҳамда уларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда тежашдан иборат. Корхона БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари талабларига, жумладан, тоза сув ва канализациядан умумий фойдаланишни, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган 6-мақсадга алоҳида эътибор қаратади.

Комбинат сув ресурсларига салбий таъсирини минималлаштириш мақсадини амалга оширмоқда. Бунга эришиш учун сувни тежаш соҳасида доимий равища қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- технологик жараёнларда сувдан қайта фойдаланиш;
- қайта ишланган сув таъминотидан фойдаланиш;
- шахта ва ер ости сувларидан фойдаланиш;
- завод ва кон бошқармалари ҳудудидаги яшил майдонларни суғориш учун томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш;
- технологик асбоб-ускуналарни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатишини оптималлаштириш.

Шунингдек, НКМК сув ресурсларига кирувчи ифлосланган оқава сувлар пайдо бўлишининг олдини олишга ва тезкорлик билан аниқлашга интилади. Жамият ўзи фаолият юритаётган ҳудудларда сув ҳавзалари ва ер рельефининг ифлосланишининг олдини олиш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида таҳлилий назорат жадвали бўйича оқава сувлардан намуналар олиш йўли билан сувни ифлослантирувчи манбалар мониторингини олиб боради.

**Ҳаво сифати.** НКМК мунтазам равища саноат атроф-муҳит мониторингини олиб боради ва ишлаб чиқариш жараёнлари натижасида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқиндиларини камайтириш чораларини кўради. Комбинат жадвалга мувофиқ атмосферага чиқинди чиқариш манбаларини назорат қиласи. Янги чангушловчи технологияларнинг жорий қилиниши натижасида 2023 йилда НКМК



обектларида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 47,5 фоизга камайтирилди.

**Иқлим ўзгариши.** Корхонада энергия сарфини камайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия тежовчи технологиялар ва тизимларни жорий этиш билан бир қаторда 2016-2030 йилларга мўлжалланган иссиқхона газларини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади. Кўрилган тадбирлар натижасида 2022 йилда иссиқхона газлари эмиссияси 43,3 минг тоннага қисқартирилди.

Комбинат атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқиндиларини камайтириш бўйича ташаббусларни амалга оширмоқда. Бунга эришиш учун қайта тикланмайдиган манбалардан энергия истеъмоли ҳажмини камайтириш, шунингдек, НКМК бўлинмалари худудларида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш улушини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**Электроэнергия самарадорлиги.** НКМК замонавий энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва муқобил ресурслардан фойдаланиш орқали анъанавий энергия манбаларига қарамликни камайтириш чораларини кўрмоқда. Ҳар йили комбинат қайта тикланадиган манбалардан истеъмол қилинадиган энергия ҳажмини ошириб бормоқда. Ўзбекистоннинг қулай иқлим шароити ва қуёш энергетикасининг ижобий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда корхона қуёш электр станциялари ёрдамида иссиқ сув таъминотини таъминлаш учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш лойиҳаларини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Энергия сарфини камайтириш ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш дастурини амалга ошириш ҳисобига энергия тежашнинг умумий ҳажми 781,15 минг ГЖ ни ташкил этди.

Шунингдек, ишга туширилган фотоэлектр станцияларининг умумий қуввати 1450 кВтни ташкил этди. 2024 йилга мўлжалланган режаларда қутилаётган умумий қуввати 10500 кВт бўлган фотоэлектр станциялар паркини ишга тушириш кўзда тутилган, бу эса йилига қўшимча 18,9 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

**Биохилма-хилликни сақлаб қолиш.** Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш ва ер ресурларини тиклаш мақсадида “Яшил Макон” лойиҳаси яратилди. Мазкур лойиҳага мувофиқ НКМК томонидан “Долзарб 40 кун” ташаббуси доирасида дарахт ва бута кўчатлари экиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Кўчатларнинг омон қолиш даражаси устидан кейинги мониторинг олиб борилмоқда, томчилатиб суғориш тизими қўлланилмоқда ва зарур агротехник тадбирлар қўлланилмоқда. Кўчатларни ҳимоя қилиш учун тўсиқ тузилмалари ўрнатилди. “Яшил йил” миллий тадбири ва “Яшил Макон” лойиҳасининг экологик акцияси доирасида НКМК ходимлари Мўйноқ шаҳридан 70 км узоқликда жойлашган Орол денгизининг қурғоқ худудига 42 минг туп саксовул кўчати ўтқазишли.

2023 йилда 443 минг туп мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилди: Шу билан бирга, “Янги Ўзбекистон” мевали боғи барпо этилди 4 гектар майдон ташкил этилиб, бу ерда 4 минг дона мевали дарахт кўчатлари, 46 минг туп бошқа турдаги дарахт кўчатлари ўтқазилди.



ESG трансформацияси стратегик мақсадлардан бири сифатида белгилаб олинган бўлиб, бу дастури доирасида замонавий стандартлар ва ESG маданиятини, шунингдек, саноат хавфсизлиги, атроф-муҳит ва ижтимоий маъсулият ва корпоратив бошқарув амалиётлари бўйича илғор тажрибаларни жорий этиш ESG ҳудудининг устувор йўналишлари сифатида таъкидланган.

Бугунги кунда комбинат томонидан ESG тамойилларини амалга ошириш бўйича “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилиб тасдиқланган. Шунингдек, НКМК фаолиятига маъсулиятли олтин қазиб олиш принциплари (RGMP) ни жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Комбинат фаолиятини ESG тамойиллари асосида ривожлантириш бўйича гурӯҳ шакллантирилган. Трансформация бўлимининг Лойиҳа оғиси таркибида 4 нафар экспертдан иборат ESG бўлими ташкил этилган. Жорий йилда комбинатнинг 100 нафар ходимлари ESG концепцияси тамойиллари асосида ўқитилди. Шунингдек, маъсулиятли олтин қазиб олиш принциплари (RGMP)ни жорий этиш бўйича кобинатнинг ва Тоғ кон саноати ва геология вазирлигининг маъсулиятли ходимлари иштирокидаги ишчи гурӯҳ шакллантирилган.

НКМКнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида халқаро рейтинг агентликлари томонидан ESG рейтингини олиш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқаро рейтинг агентлиги талабларига мувофиқ таҳлил ўтказилиб, шартнома тузиш тартиби бошланди.

Жаҳон олтин кенгаши раҳбарияти билан ҳамкорликни ташкил этиш юзасидан дастлабки музокаралар ўтказилди. Жорий йилнинг июнь ойида Лондонда Кенгаш вакиллари билан учрашув ўтказилди. Кенгаш билан ҳамкорликни ташкил этиш бўйича “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Жорий йилнинг якунига қадар қуйидаги тадқиқотларни ўтказиш режалаштирилган.

- иссиқхона газлари чиқиндиларини ҳисоблаш ва эмиссиясини камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- иқлим ўзгариши билан боғлиқ жисмоний хавфларни аниқлаш ва баҳолаш;
- иқлим ўзгариши стратегиясини ишлаб чиқиш;
- биологик хилма-хиллик стратегиясини ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, НКМК ва “UzAssets” АЖ ўртасида “Асосий акциядорнинг истиқболлари” йўл ҳаритасида белгиланган вазифаларга мувофиқ комбинатни комплекс ўзгартириш бўйича устувор вазифаларни (13 та лойиҳа) амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

### **Хулоса.**

Хулоса қилиб айтганда, НКМК фаолиятида экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалий тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда ҳамда ESG тамойилларини комбинат фаолиятига жорий этиш асосий вазифалар қаторидан ўрин эгаллади. Шунингдек, комбинат ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитга сезиларли таъсирини тан олади ва уни самарали атроф-муҳитни бошқариш амалиёти орқали минималлаштиришга интилади.



Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш НҚМК барқарор ривожланишининг асосий жиҳатларидан биридир. Комбинат табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндилар, чиқинди сувлар ва чиқиндиларни камайтириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш орқали иқтисодий ўсиш ва табиий экотизимларни сақлаш ўртасидаги мувозанатни сақлашга интилади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”даги ПФ-158-сон Фармони
3. П.Груздова, К.Котова Зазеленела: как экономика становится «зелёной» в разных странах мира (mgimo.ru). Студент
4. Буневич К.Г., Горбачева Т.А. «Зеленые» тенденции в развитии мировой финансовой системы. Вестник московского университета. Им.С.Ю.Витте. Серия 1. Экономика и управление. 2022.No1 (40) 52-60 Эл. журнал (cyberleninka.ru)
5. «Зеленая» экономика: сущность, принципы и перспективы Н.И. Иванова, Л.В. Левченко
6. Отчет об устойчивом развитии АО “НГМК” за 2023 год
7. (<https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/14/10>)
8. (<https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/208/156>)
9. (<https://happy-job.ru/hr-blog/esg-dlya-nachinayushhhikh/>)
10. (<https://happy-job.ru/hr-blog/esg-dlya-nachinayushhhikh/>)
11. (<https://lex.uz>)
12. (<https://www.ngmk.uz>)
13. (<https://pt.ngmk.uz/>)